

Миср Араб Республикаси “Ал-Азҳар” мажмуаси ва тасарруфидаги таълим муассасаларида таҳсил олиш мақсадида мурожаат қилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг аризаларини кўриб чиқиш учун Маслаҳат кенгаши ҳузуридаги Ишчи гуруҳи РЕГЛАМЕНТИ

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 1998 йил 1 майдаги 618-I-сон, “Таълим тўғрисида”ги 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (Кейинги ўринларда – Қўмита) ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олишига кўмаклашиш бўйича Маслаҳат кенгаши мажлисининг баёнига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Миср Араб Республикасининг “Ал-Азҳар” мажмуаси ва тасарруфидаги таълим муассасаларида таҳсил олиш мақсадида мурожаат қилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг аризаларини кўриб чиқиш учун Маслаҳат кенгаши ҳузуридаги Ишчи гуруҳи (Кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳи) фаолиятини тартибга солади ҳамда “Ал-Азҳар” мажмуаси ва тасарруфидаги таълим муассасаларида таҳсил олиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

1.2. Ишчи гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олишига кўмаклашиш бўйича Маслаҳат кенгашига (кейинги ўринларда – Маслаҳат кенгаши) “Ал-Азҳар” мажмуаси ва тасарруфидаги таълим муассасаларида таҳсил олиш мақсадида мурожаат қилган фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун ташкил этилган.

1.3. Ишчи гуруҳнинг таркиби ҳамда унинг Регламенти Маслаҳат кенгаши томонидан тасдиқланади.

II. Ишчи гуруҳнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

2.1. “Ал-Азҳар” мажмуаси ва тасарруфидаги таълим муассасаларида таҳсил олиш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатларини белгиланган тартибда қабул қилиб олиш;

2.2. Ишчи гуруҳи томонидан Маслаҳат кенгашига келиб тушган мурожаатларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва консултатив суҳбат ўтказиш;

2.3. Миср Араб Республикаси “Ал-Азҳар” мажмуаси ва тасарруфидаги таълим муассасаларида таҳсил олиш мақсадида ҳужжатларни топширган фуқароларни танлаб олиш ва тегишли тавсияномаларни тайёрлаш ҳамда “Ал-Азҳар” мажмуаси институтлари

департаменти администрациясининг электрон манзилига юборилишини ташкил этиш;

2.4. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 1998 йил 1 майдаги ЎРҚ-618-I-сон Қонунининг 9-моддасига биноан олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилиниши, жумладан мазкур Қонуннинг 9-моддасига биноан умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилишини инobatга олиб, “Ал-Азҳар” мажмуаси таълим муассасаларида таълим олиш истагидаги фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ўрта маълумотга эга бўлишига ва даъвогарнинг ёши 18 ёшдан кам бўлмаганлигига эътибор бериш;

2.5. Ўзбекистон Республикасида таълим муассасаларидаги ўқув жараёни, одатда, ҳар йилнинг июнь ойига қадар давом этишини инobatга олиб, Миср Араб Республикаси “Ал-Азҳар” мажмуаси ва тасарруфидаги таълим муассасаларида таҳсил олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатлари жорий йил учун 2021 йил 25 июнь кунидан – 15 июль кунигача *(кейинги йиллар учун (йил давомида) 1 августдан кейинги йил 30 июнь кунига қадар)* Маслаҳат кенгаши томонидан қабул қилиш;

Мурожаатларни Маслаҳат кенгаши ҳузуридаги Ишчи гуруҳи томонидан жорий йил 16-30 июль кунлари (кейинги йилдан 1-30 июль кунлари) кўриб чиқиш;

III. Ишчи гуруҳи ишини ташкил этиш

3.1. Ал-Азҳар мажмуаси ва тасарруфидаги таълим муассасаларида таҳсил олиш истагидаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Маслаҳат кенгаши ҳузуридаги Ишчи гуруҳ тавсияси асосидагина ўқишга қабул қилиш бўйича амалий ишларни йўлга қўяди;

3.2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун берилган тавсияларни Қўмита томонидан “Ал-Азҳар” мажмуаси институтлари департаменти администрациясининг электрон манзилига тўғридан-тўғри юбориш (фуқарога тақдим этилмайди) чораларини кўради;

3.3. Ўзбекистонда барча таълим муассасаларидаги ўқув жараёни июнь ойигача давом этишини инobatга олиб, “Ал-Азҳар” мажмуасига ўзбекистонлик номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш муддатини фақатгина июль ойи давомида амалга оширишни ташкил этади;

IV. Мурожаатларни қабул қилиши тартиби

4.1. “Ал-Азҳар” мажмуаси ва тасарруфидаги таълим муассасаларида таҳсил олиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг

аризалари ёзма (шахсан ёки почта хизмати орқали) ёки электрон кўринишда Маслаҳат кенгаши ҳузуридаги Ишчи гуруҳига топширилади.

4.2. Фуқаролар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Ариза (*намуна бўйича*);
- Фуқаролик паспорти ёки (ID) карта нусхаси;
- Умумий ўрта таълим (11-синф негизида шаҳодатнома, аттестат), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ёки олий таълим муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат нусхаси;

- Фуқаронинг шахсий маълумотномаси (объективкаси) ва таржимаи ҳоли.

4.3. Ҳужжатлар ҳафтанинг душанба-жума кунлари 9-00 дан 18-00гача қабул қилинади.

4.4. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий ўрта таълим маълумотга эга бўлмаса, шунингдек даъвогарнинг ёши 18 ёшга тўлмаган бўлса уларнинг мурожаатлари қабул қилинмайди.

V. Якуний қоидалар

5.1. “Ал-Азҳар” мажмуаси ва тасарруфидаги таълим муассасаларида таҳсил олиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатлари бўйича тавсиянома бериладиган фуқароларнинг рўйхати Қўмита томонидан “Ал-Азҳар” мажмуаси институтлари департаменти администрацияси электрон манзилига тўғридан-тўғри юборилади.

5.2. Ишчи гуруҳ фаолиятидан норози бўлган фуқароларнинг мурожаатлари Маслаҳат кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

5.3. Ал-Азҳар мажмуасига ўқишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Элчихонасида вақтинчалик консуллик ҳисобида туриши лозим.